II. САНОАТ

2019 йилнинг январь-мартида саноат маҳсулоти ҳажми 2899,7 млрд. сўмни ташкил этиб, саноат ишлаб чиқариш индекси 95,7 фоизни ташкил этди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми 2528,6 млрд. сўмни, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 87,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ҳисобот даврида, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият тури бўйича 245,4 млрд. сўм (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 8,4 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият тури бўйича 97,8 млрд. сўм (3,4%) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш фаолият тури бўйича 27,9 млрд. сўм (1,0%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари ҳам муносиб ҳисса қўшди, уларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 8,4% ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби



Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм		*жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида*	
	2018 й.	*2019 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	**2746,3**	**2899,7**	**100,0**	**100,0**
иқтисодий фаолият турлари бўйича:				
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларниишлаш	**81,1**	**97,8**	**3,0**	**3,4**
улардан:				
Нефть ва табиий газни қазиб олиш	63,9	79,2	78,8	80,9
Тоғ-кон саноатининг бошқа соҳалари ва ёпиқ усулда қазишга техник ёрдам кўрсатиш	17,2	18,6	21,2	19,1
Қайта ишлаш саноати	**2493,4**	**2528,6**	**90,8**	**87,2**
ундан:				
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	231,8	333,8	9,3	13,2
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	239,8	294,6	9,6	11,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	10,9	13,0	0,4	0,5
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,48	0,49	0,02	0,02

	млрд. сўм		*жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида*	
	2018 й.	*2019 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1906,7	1734,1	76,5	68,6
Кокс ва нефтни кайта ишлаш махсулотлари ишлаб чикариш	3,1	7,7	0,1	0,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	3,0	9,9	0,1	0,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	54,9	91,4	2,2	3,6
Металлургия саноати	0,12	0,21	0,005	0,008
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	3,7	8,6	0,1	0,3
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	37,8	33,3	1,5	1,3
Бошка тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чикариш	0,49	0,52	0,02	0,02
Машина ва ускуналар таъмирлаш ва урнатиш	0,44	0,65	0,02	0,03
Бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	0,20	0,21	0,01	0,01
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**143,3**	**245,4**	**5,2**	**8,4**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**28,5**	**27,9**	**1,0**	**1,0**

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 97,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,4 фоизини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича оҳактош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 0,4 фоизга ошганлигини, газ конденсати 5,1 фоизга ва табиий газ 2,6 фоизга пасайганлигини кузатиш мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2018 йил январь-март **2019 йил январь-март**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш *(йирик корхоналар бўйича)*

	Ўлчов бирлиги	*январь-март ойларида*		*2018 йилга нисбатан, % ҳисобида*
		2018 й.	*2019 й.*	
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларниишлаш				
Табиий газ ишлаб чиқариш	*млн.м.куб*	1609,5	1568,1	97,4
Оҳактош	*минг тн.*	41178,0	41347,0	100,4
Чақиқ тош (шебень)	*минг тн.*	-	-	-
Қайта ишлаш саноати				
Алкоголь маҳсулотлари	*минг л. 100% спирт*	1031,8	1063,4	103,1
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	*минг тн.*	18876,8	19828,8	105,0
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган	*тн.*	755,4	487,1	64,5

	Ўлчов бирлиги	январь-март ойларида		2018 йилга нисбатан, % ҳисобида
		2018 й.	2019 й.	
маҳсулотлар				
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г. (буханка)	*тн*	550,8	633,7	115,1
Гуруч маҳсулотлари	*тн*	1794,7	847,3	47,2
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	*тн.*	4958	4544,6	91,7
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр омухта ем маҳсулотлари	*минг тн.*	11,0	13,8	125,1
Пахта толаси	*минг тн.*	23,3	18,1	77,7
Пахта чигити	*минг тн.*	36,1	28,1	77,8
Пахта тивити (линт)	*тн.*	1805,6	1334,0	73,9
Асосий ноорганик кимёвий моддалар (динатрий карбонати)	*тн.*	49,1	46,3	94,3
Полиэтилен	*минг тн.*	102,7	89,7	87,3
Полипропилен	*минг тн.*	25,3	23,8	93,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш				
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	*млн.кВт/с*	111,9	123,2	110,1
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	*минг Гкал.*	15,4	15,1	98,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш				
Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича	*млн. сўм*	4817,1	6678,7	138,6

	Ўлчов бирлиги	январь-март ойларида		2018 йилга нисбатан, % ҳисобида
		2018 й.	2019 й.	
тақсимлаш хизматлари				
Оқава сувларний йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов ериш бўйича хизматлар	*млн. сўм*	760,2	944,3	124,2

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2528,6 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 87,2 фоизини ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 0,4 фоизни, ўрта-юқори технологияли 69,8 фоизни, ўрта-қуйи технологияли 4,5 фоиз ва қуйи технологияли 25,3 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби



Ўз навбатида, ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йирик шохли қора моллар учун тайёр озуқа 25,1 фоизга, ароқ 3,1 фоизга, юмшоқ буғдой уни 5,0 буғдой нони 15,1 фоизга ошганлигини ва пахта толаси 22,3 фоизга, кислород ишлаб чиқариш 83,9 фоизга, карбонат динатрия 5,7 фоизга, тозаланган гуруч 55,2 фоизга, макарон маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 35,5 фоизга пасайганлигини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 245,4 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 8,4 фоизни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга камайган ва электр энергияни ишлаб чиқариш 10,1 фоизга ошиши кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 27,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,0 фоизи) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида қора металлар бўлган иккиламчи хом ашёни 18,7 фоизга пасайганлигин, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларининг 38,6 фоизга, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг 24,2 фоизга ошганлиги кузатилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

2019 йилнинг январь-март ойларида 414,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 108,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 214,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 159,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ва 40,8 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2018 йил январь-мартига нисбатан мос равишда 107,8 фоиз, 107,8 фоиз ва 116,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

	млрд. сўм		*жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида*	
	2018 й.	*2019 й.*	*2018 й.*	*2019 й.*
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	**382,1**	**414,7**	**100,0**	**100,0**
шу жумладан:				
озиқ-овқат товарлари	234,2	255,3	61,3	61,6
ноозиқ-овқат товарлари	147,9	159,4	38,7	38,4

2019 йилнинг январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари



2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 61,3 фоиздан 2019 йилнинг январь-март ойларида 61,6 фоизга ошганлиги кузатилмоқда.

Йирик ва кичик бизнес субъектлари томонидан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби, *жамига нисбатан фоиз ҳисобида*



Шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари

Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нукус шаҳри (жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 67,3 %), Тахиатош (7,3 %), Хўжайли (3,8 %), Мўйноқ (3,0 %) ва Амударё (2,6 %)туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, истеъмол товарлари ҳажмининг энг катта қисми Нукус шаҳри (жами истеъмол товарлари ҳажмининг 32,6 %), Хўжайли (12,5 %), Беруний (9,9 %), Тўрткўл (7,4%), Элликқалъа (6,3 %), Қўнғирот (5,9%) ва Амударё (5,6%) туманларида ишлаб чиқарилди.

Шаҳар ва туманлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(республика бўйича жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



2019 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

	саноат маҳсулотлари, млрд. сўм	*жамига нисбатан улуши, %*	*истеъмол товарлари, млрд. сўм*	*жамига нисбатан улуши, %*
Қорақалпоғистон Республикаси	**2899,7**	**100,0**	**414,7**	**100,0**
Нукус ш.	1950,3	67,3	135,2	32,6
туманлар:				
Амударё	76,2	2,6	23,1	5,6
Беруний	71,5	2,5	40,9	9,9
Қонликўл	53,0	1,8	6,5	1,5
Қораўзак	45,8	1,6	7,4	1,8
Кегейли	62,7	2,2	10,4	2,5
Қўнғирот	46,6	1,6	24,4	5,9
Мўйноқ	86,6	3,0	3,8	0,9
Нукус	10,6	0,3	6,5	1,6
Тахиатош	211,7	7,3	21,9	5,3
Тахтакўпир	5,9	0,2	4,5	1,1
Тўрткўл	60,8	2,1	30,6	7,4
Хўжайли	110,5	3,8	51,6	12,4
Чимбой	37,3	1,3	14,5	3,5
Шуманай	8,1	0,3	7,2	1,7
Элликқалъа	62,1	2,1	26,2	6,3

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

	Ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли жон бошига, минг сўм	
	саноат маҳсулотлари	*истеъмол товарлари*
Қорақалпоғистон Республикаси	**1548,5**	**221,5**
Нукус ш.	6179,7	428,4
туманлар:		
Амударё	389,7	118,1
Беруний	380,2	217,6
Қонликўл	1051,6	129,0
Қораўзак	874,7	141,2
Кегейли	700,7	116,2
Қўнғирот	362,7	189,9
Мўйноқ	2766,0	121,4
Нукус	214,7	132,1
Тахиатош	2903,3	300,4
Тахтакўпир	149,0	112,8
Тўрткўл	288,7	145,2
Хўжайли	910,7	425,4
Чимбой	323,3	125,8
Шуманай	145,4	129,5
Элликқалъа	397,3	167,5

2019 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари,

минг сўм



2019 йилнинг январь-март ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йилнинг январь-март ойларида 997,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 83,3 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.

2019 йилнинг январь-март ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари





2019 йилнинг январь-март ойларида маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 97,9 фоизи Нукус шаҳри (976,3 млрд. сўм) корхоналарига тўғри келади.